



АЗИЗ ҲАВОРИЙ ПАВЛУСНИНГ

ФИЛИМЎНГА МАКТУБИ

Дуойи салом, Худога шукрона

¹ Мен, Исо Масих учун банди бўлган Павлус ҳамда укамиз Тимўтийдан севикли ҳамкоримиз Филимўнга салом! ² Синг-лимиз Аффия билан сафдошимиз Архиппга, шунингдек, хонадонингда йиғилиб турадиган имонлиларнинг ҳаммасига салом йўллаймиз. ³ Отамиз Худодан ва Раббимиз Исо Масихдан сизларга иноят ва тинчлик бўлсин.

⁴ Мен дуоларимда ҳар доим сени эслаб, Худойимга шукур қиламан. ⁵ Чунки Раббимиз Исога бўлган имонинг ва барча аҳли мўминга бўлган муҳаббатинг ҳақида эшитиб тураман. ⁶ Сенинг имон йўлида қилаётган фаолиятинг таъсирчан бўл-гай, Масихдан бизга насиб бўладиган бутун хайр-баракани би-либ олгайсан. ⁷ Сенинг меҳр-муҳаббатинг менга катта севинч ва тасалли берди. Биродарим, сен туфайли аҳли мўминнинг кўнгли тинч.

Павлуснинг кул Ўнисим учун илтимоси

⁸ Майли, шундай бўлса ҳам, Масих номидан сенга буйрук беришга тўла ваколатим борлигини айтсам бўлади. ⁹ Бунинг ўрнига мен, мўйсафид Павлус, энди Исо Масих учун банди, меҳрибонлик билан сендан илтимос қиламан. ¹⁰ Мен махбуслигимда кўрган ўғлим Ўнисим^а хақида сендан илтимос қилмоқчиман. ¹¹ Ўнисим бир вақтлар сенга фойдасиз эди, энди эса сенга ҳам, менга ҳам фойдалидир. Мен уни сенга қайтариб юборяпман. ¹² Уни, яъни ўзимнинг жон-дилимни, яхши қабул қил!

¹³ Мен Инжил учун камоқда ётибман, шунинг учун Ўнисимни ўз олдимда олиб қолиб, сенинг ўрнингда менга хизмат қилишини истар эдим. ¹⁴ Аммо сенинг розилигингиз сиз ҳеч бир иш қилишни хохламадим. Чунки сенинг қиладиган илтифотинг мажбурият юзасидан бўлмай, балки ихтиёрий бўлишини истадим. ¹⁵ Наҳотки сен умрбод қабул қилишинг учун Ўнисим сендан вақтинчалик айрилган бўлса? ¹⁶ Сен уни энди кул каби эмас, балки қуддан юқори, севикли ука сифатида қабул қил. Мен уни жуда яхши кўраман. Сен эса уни ҳам одам боласи сифатида, ҳам Раббимизнинг боласи сифатида яна кўпроқ севишинг шубҳасиз.

¹⁷ Агар сен мени сафдошинг билсанг, Ўнисимни мени қабул қилгандай қабул қил. ¹⁸ Агарда у сени бирор нарсада хафа қилган бўлса ёки сендан қарздор бўлган бўлса, буни менинг зиммамга юкла. ¹⁹ Мен, Павлус, буни ўз кўлим билан ёзяпман: мен тўлайман. Ахир, сенга ўз ҳаётинг билан мендан қарздор эканлигингни айтаётганим йўқ! ²⁰ Ҳа, биродарим, Раббимиз хақи сендан бир фойдаланай! Масих хақи кўнглимни тинчитгин! ²¹ Сен менинг сўзларимга қулоқ солиб, айтганларимни қилсан, ҳа, бундан ҳам кўпроқ қилсан, деб ишониб, буларни ёздим.

^а ¹⁰ ЎНИСИМ: хўжайини Филимўндан қочиб, Римда Павлус билан бирга қамаб қўйилган кулнинг исми; таржимаси «фойдали» демакдир. Павлус Ўнисимни камоқда ётганда имонга киритгани учун уни «махбуслигимда кўрган ўғлим» дейди; яна қаранг: Колосаликлар 4:9.

²² Бундан ташқари, менга бир турар жой ҳам тайёрла. Чунки Худо ибодатларингизни эшитиб, мени яна сизларнинг олдингизга қайтаришига умид қиламан.

Сўнги саломлар

²³⁻²⁴ Мен билан бирга Исо Масих учун маҳбус бўлган Эпафрас, ҳамкорларим Марк, Аристарх, Димас, Луко сенга салом йўллаяптилар.

²⁵ Раббимиз Исо Масихнинг инояти сизларнинг рухингизга ёр бўлсин. Омин.